

1. Аниклик майли. Ўтган замон феъллари.
2. Хозирги ва келаси замон феъллари.
3. Феъл нисбатлари.

Аниклик майлида хар учала грамматик замон мавжуд: ўтган замон, хозирги замон, келаси замон. Аниклик майлидаги хар бир замон бир неча формани ўз ичига олади ва бу формалар шу замон чегарасида турли маъно оттенкаларини ифодалашга хизмат килади.

Ўтган замон феъллари. Ўтган замон феъли тузилиши жихатидан даставвал куйидаги икки группага бўлинади: 1) ўтган замон феълининг содда (синтетик) формалари; 2) ўтган замон феълининг аналитик формалари. Шуни айтиш лозимки, ўтган замон феъллари –ди/-ды/-ти/-ты аффиксли феъл формалари ва феълнинг сифатдош, равишдош шаклларига тусловчи аффиксларнинг кўшилишидан хосил бўлади.

Ўтган замон феъли содда (синтетик) формалари эски ўзбек тилида куйидагича осил килинади:

-ды/-ди/-ты/-ти аффиксли форма. Бу форма эски ўзбек тилининг барча даврларида кенг кўлланган ва у ушбу аффиксга кискарсан тусловчиларни кўшиш билан хосил килинади: Элчи бу сJзлЎрни! барчасын айтды (Ш.тар.). Видёлашыб муражиат марасымыны ада кылдук (Фуркат). Тусланиш парадигмаси: бардым, барды!, барды// бардук, бардыыз, барды(лар).

-мыш/-миш аффиксли форма хам туркий тилларда кадимдан актив кўлланган бўлиб, эски ўзбек тилида хам анча кенг истеъмолда бўлган: Арукны ул таш ىскрндиЎ йолда унутмыш-мен (КР). Фуркаты!дын болмышам зар-у заиф (Лутфий).

-дук/-дик аффиксли форма. Ўтган замон сифатдошининг –дук/-дик аффиксли формаси кадимги ёдгорликлар тилида кенг истеъмолда бўлиб, ўтган замон феъли функциясида хам кўлланган. Бу сифатдош ўтган замон феъли функциясида XIII-XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да хам кўлланган бўлиб, унга кўпинча туур холат феъли кўшилиб келган: Мунда айтур кылдым теб, валекин кылмадук туур. Хеч кJз андаг кJрмЎдик туурлар, хеч кJ|ул аны!-дек санмадук болур.

-ган/-гЎн/-кан/-кЎн аффиксли ўтган замон сифатдошининг ўтган замон функциясида кўлланиши асосан XIII-XIV асрлардан бошлаб кузатилади: Такы хакикатда мен коркутган-мен (Тафсир). Акл-у жан аламыга ишк отыны салган-сен (Лутфий).

-б(-ыб/-иб/-уб/-мб) аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феъли. Бу феъл шакли эски ўзбек тилида куйидагича уч хил колипда кўлланган:

а) барыб туур-мен. Бу форма асосан XV асрдагача кўлланган бўлиб, баъзан XV асрда оид ёдгорликларда хам учрайди: Ибраҳим тевЎдин инмЎккЎ ант ичиб туур-мен, теди (КР). Качан кJрсЎлЎр аны ким, ваъда кылыб туурлар (Тафсир);

б) барыбтур-мен/барыбдур-мен. Унинг кўлланиши XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кузатилади: Болубтур-мен бу кун беганалар-дек (Атоий). Учгалы пар чыкарыбтур кJ|лум (Мунис).

в) барыб-мен типидаги форма XV асрдан бошлаб кенг кўлланган: Багайат кJ|лумизни шад этиб-сен (Навоий ФШ). Сиз хам тұна кун урушуб бастуруб-сиз (БН).

Ўтган замон феълининг аналитик формалари.

Эски ўзбек тилида ўтган замон феъли аналитик формаларининг куйидаги турлари

кўлланган:

-мыш/-миш эрди. Бу форма эски ўзбек тилида XV асрга кадар кенг кўлланган бўлиб, кейинги даврларда кам учрайди: Мени! хар не хўлымны билмиш эрди! (Мунис). Бир кун Исмайл авка бармыш эрди, Ибраҳимны кJрў келди (КР).

-ган/-гЎн// -кан/-кЎн эрди. Бу форма XIV асрдан бошлаб кузатилади: Кыйнаган эрдик анларны, куфр келтирдилЎр (Тафсир). Астрабадда айткан икки матлаи тугЎнмЎй калган эрди (Навоий МН).

-ды/-ди// -ты/-ти эрди. Бу форма кадимги ёдгорликлар тилида кенг кўлланган, эски ўзбек тилида XV асрга кадар кенг истеъмолда бўлган: Йусуфны отагда койдук эрди, биз келгинчЎ Йусуфны бўрийемиш (КР). Анлар качтылар эрди, малик Дақиунус йारын билди качмышларыни (Тафсир).

-дук/-дук эрди. Бу форма XIII-XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да анча кенг кўлланган: Мен бутларны кJрмЎдик эрдим, турдум, Маккага бардым, кJрдим.

-б туур эрди формаси XIII-XIV асрларда кенг кўлланган бўлиб, кейинги даврларда учрамайди: Сизгэ назара кылыб туур эрдим (КР). Такы анда ким, сиз кизлениб туур эрди!из (Тафсир).

-а/-Ў(й)туур эрди, -а/-Ў(й)дур эрди. Бу формалар бир фонеманинг икки хил кўриниши билан фаркланди, холос.

-а/-Ў(й) туур эрди формаси XIII-XIV аср ёдгорликларида кўлланган: ЛЎшкЎрни! соғыда келЎ туур ердим (Ш.тар.).

XIII-XIV аср ёдгорликларида бу формада -а/-Ў(й) аффикси билан бирга, -у/-, -йу/-й-, -я/-йЎ аффикси хам иштирок этган: Бир оғлан билЎ кел туур ердим (Раб.). ...йылкылар к-тЎйЎ туур ерди (ЎН).

-а/-Ў(й)дур эрди формасининг кўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади: Умрумызда мунча фарғат кылмайдур эдик (БН). Бу фурсатта ким, «Мубайин»ни назм қыладур едим (БН).

-р(-ар/-Ўр// -ур/-ўр) эрди. Бу форма -р(-ар/-Ўр// -ур/-ўр) аффиксли хозирги-келаси замон феълига эрди тўликсиз феъли кўшилиши билан хосил бўлган: Башларын куйы салыб келтирдЎр эрди (БН). Йана тJрт йуз кул бирлЎ сатығ қылурлар эрди (КР).

-гай/-гЎй// -кай/-кЎй эрди формаси хам эски ўзбек тилида кенг кўлланган: Бизни! қичмиз йетсЎ, бу тевЎни ЙлтиргЎй эрдук (КР). Агар бурунрак айтылмыш болса эрди, факыр харгэз Із матлаимни айтмагай эрдим (Навоий, МН).

Хозирги замон феъли. Хозирги замон маъносини ифодаловчи формалар ва уларнинг ясалиш усуслари бўйича эски ўзбек тили билан хозирги ўзбек тили ўртасида маълум ўзгачаликлар мавжуд. Хозирги ўзбек тилидаги -яп, -ётири, -ётиб аффикслари эски ўзбек тилида кўлланмаган. –мокда аффикси айрим ёдгорликларда учрайди.

Эски ўзбек тилида хозирги замон феъли маъноси асосан -а/-Ў(й) аффиксли равишдош асосида ясалган формалар билан ифодаланган.

Бара туур мен колипидаги форма XIII-XIV асрларда кенг кўлланган бўлиб, баъзан XV асрга оид ёдгорликларда хам учрайди: Сорды: бу не -н туур? Айттылар: Омайя кулы Билалга азаб қыла туур (Тафсир). Ул вактдин та бу қнгЎгчЎ барча туркмЎнлЎр ул китабны! масалаларыга амал қыла туурлар (Ш.тар.).

Барадур-мен колипидаги форма эски ўзбек тилида кенг кўлланган бўлиб, XIV асрлардан бошлаб кузатилади: Бу йуртта хабар келди ким, Мансурны! қызы Йусуф зайны! мәлы билЎ келЎдир (БН).

Бара-мен формаси асосан XV асрдан бошлаб кузатилади: Муға не учун рухсат берЎ-сиз?

Бизни аз кўрмб, кызылбашга кошулмакка бара туур (Ш.турк).

-макда/-мЎқдЎ аффиксли форма ёзма ёдгорликларнинг айримларида учрайди: Айни инайаты!дын халымга кыл назара//JлмЎқдЎ-мен гамы!дын, дардымга ЎйлЎ чара (Мунис). Хозирги-келаси замон феъли. Хозирги –келаси замон феъли эски ўзбек тилида -р(ундошдан кейин: -ар/-Ўр//ур/-мр) аффикси билан хосил килинган. Шахс-сон аффиксларининг тўла варианти кўшилган: барур-мен, келр-сен каби. Лекин I шахс формаларини хосил килишда шахс-сон аффиксларининг киска вариантлари хам кўшилган: Кашы учун жаҳн берурЎм достлар// таг копары!ыз йасаганда мазар (Лутфий). Унли билан тугаган феъллардан хозирги-келаси замон феъли –йур/-ймр аффикси оркали хосил килинган: Сен-му бизгЎ бу сJзни сJзлЎймр-сен? (КР).

Келаси замон феъллари. Эски ўзбек тилида келаси замон феълининг куйидаги формалари кўлланган:

-гу/-гм// -ку/-км. Эски ўзбек тилида келаси замон феълини хосил килувчи асосий форма хисобланган: Бу китабны окугучы ва ты!лагучы, албатта, т`рк болгусы туур (Ш.тар.).

Омар билди ким, Расулга барыб, андын шикайат кылгусы туур (КР).

-асы/-Ўси. XIII-XIV асрларга оид айрим ёдгорликларда учрайди: Бу шахарга бир пайгамбар хижрат кыласы туур, йаъны келЎси туур (Тафсир).

-гай/-гЎй// -кай/-кЎй. Бу форма XI аср ёдгорликлари ва кадимги уйгур тили ёдгорликларида хам кенг кўлланган: Мукаррап болды ким, та!ласы болган нокар-у сардар, мәл-у жихаты билЎн чыкыб, корганны тапшургай (БН).

Феъл нисбатлари. Эски ўзбек тилида хам феъл нисбатларининг куйидаги турлари мавжуд: аниклик, ўзлик, мажхул, биргалик, орттирма нисбатлар.

Аниклик нисбати учун эски ўзбек тилида хам маҳсус аффикслар кўшилмайди.

Ўзлик нисбат –н(ундошдан кейин: -ын/-ин// -ун/-мн) аффикси билан хосил килинган: Куйди, ортЎнди гам отында ичим ташым мени! (Атоий). Огуз хা�нга бакынмады (Ш.тар.).

Ўзлик нисбат маъноси баъзан мажхул нисбат аффикси –л(-ыл/-ил// -ул/-мл) билан хам ифодаланади: Бу васила билЎ хайал кылышы ким,..(Навоий, МН).

Мажхул нисбат –л(-ыл/-ил// -ул/-мл) аффикси билан ясалади: Куллук арзадашт йэкшанба куни битилди (Навоий, МН).

Биргалик нисбат –ш(ундошдан кейин: -ыш/-иш// -уш/-мш) аффикси билан ясалади: Икки кашы баш бир кылыш, билмЎн, нэ сJз сJзлЎштилЎр (Лутфий). Бир-икки катла ул тараф бу тарафдан кылыш алыштылар (БН).

Орттирма нисбат куйидаги аффикслар билан ясалган:

-т(-ыт/-ит// -ут/-мт): Охшатты ккаматы!га санавбарны багбан (Навоий, МН).

-р(-ур/-мр// -ар/-Ўр): КечиргЎй ушбу дарйадын мени (Атоий). Шайдалыкка баш чыкарур (Навоий, МК).

-тур/-тмр// -дур/-дмр: Хажр оты бу кун ичимни кийдирмр (Саккокий). Алтун уйны тиктмрди (Ш.тар.).

-гур/-гмр// -кур/-кмр// -кар/-кЎр: Нэ мунча йазгурадур шайхи парса бизни (Атоий).

Инсағсыз адувны йаманлықдын JткЎрмр (Навоий, МК).

-гуз/-гиз// -каз/-кЎз: Аллыда бир нечЎни тургузды (ШН). Мени откЎзи!излЎр, теб,..(Ш.тар.).

-ыз/-из: тамызды, акызды (Санглох).

-сЎт: КемЎни нечук йасарын кJрсЎтти (Ш.тар.).

**Савол ва топшириклар:**

1. Ўтган замон феълининг содда формалари кандай хосил килинган?
2. Ўтган замон феълининг аналитик формаларига мисоллар келтиринг.
3. Хозирги замон феълларининг ифодаланиши жихатидан хозирги ўзбек тили билан эски ўзбек тили ўртасида кандай тафовутлар бор?
4. Келаси замон феъл формаларига мисол келтиринг.

### **Таянч тушунчалар**

Ўтган замон феъллари – нутк моментига нисбатан олдин юз берган (юз бермаган) иш-харакатни англатади.

Хозирги замон феъллари – нутк моментида юз берган (юз бермаган) иш-харакатни билдиради.

Хозирги-келаси замон феъллари – нутк моментида юз берган ва ундан кейин амалга ошириладиган иш-харакатни англатади.

Келаси замон феъллари – нутк моментидан кейин амалга ошириладиган иш-харакатни англатади.

Феъл нисбатлари – иш-харакатнинг субъекти ва объекти муносабатларини билдиради.